

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ТИЗИМИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТАВСИФИ.

Зарифова Мафтуна Расулбек қизи

Мустақил изланувчи

MAQOLA MALUMOTI

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 12.02.2026

Revised: 13.02.2026

Accepted: 14.02.2026

KALIT SO'ZLAR:

*Инсон ҳуқуқлари,
вояга етмаганлар,
болалар ҳуқуқлари,
Ички ишлар
вазирлиги, халқаро
стандартлар,
Конституция,
реабилитация,
психологик ёндашув,
инсонпарварлик.*

Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинган. Асосий эътибор вояга етмаганлар, аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституция, халқаро стандартлар ва БМТнинг тегишли конвенцияларининг аҳамияти, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги тизимида уларнинг татбиқ қилиш механизмлари муҳокама қилинган. Мақолада, шунингдек, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ёшлар сиёсати, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва вояга етмаганлар билан ишлашда инсонпарварлик принципларига амал қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Демократик тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, халқ манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тамойил давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, мамлакатда демократия умуминсоний принципларга таянади ҳамда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилади¹.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган нормаларни устуворлигининг тан олган ҳолда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида муҳим ислохотлар олиб бормоқда. Ушбу ислохотлар натижаси сифатида инсон ҳуқуқларини олий қадрият деб белгилаб берган БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.

умумжаҳон Декларацияси², Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт³, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт⁴ларни ратификация қилинган бунинг яққол тасдиғи ҳисобланади. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар миллий қонунчиликни такомиллаштиришда асосий ҳуқуқий мезон сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколининг иштирокчиси ҳисобланади⁵. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмлари яратилгани мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг тизимли ва изчил характерга эга эканлигини кўрсатади. Хусусан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтининг ташкил этилиши инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ҳамда ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек, халқаро мажбуриятларни бажариш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган тизимли ишлар, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими фаолиятида ўз ифодасини топомқда. Чунки ИИВ органлари фаолияти инсоннинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлиги ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу соҳада инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларига қатъий риоя этилиши талаб этилади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини тизимли равишда ривожлантириш мақсадида 2020 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6012-сон Фармони⁶ қабул қилинди. Ушбу Фармон билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ҳамда

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

³ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2686000>

⁴ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2640479>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.06.2020 йил “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6012-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4872355>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.06.2020 йил “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6012-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4872355>

уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ИИБ тизими фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, вояга етмаганлар, аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар билан ишлашда халқаро стандартларни татбиқ этиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур стратегия доирасида БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси⁷, “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги конвенция⁸ ҳамда инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган қоидаларга риоя этилишини таъминлаш ИИБ органлари фаолиятида устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, профилактика, маъмурий иш юритиш, суриштирув ва тергов жараёнларида шахснинг, айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш халқаро ҳуқуқда умум эътироф этилган нормаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширган кенг кўламли ислохотлари, жумладан, ИИБ тизимида инсонпарварлик ва қонунийлик тамойилларининг мустаҳкамланиши халқаро ҳамжамият томонидан доимий назорат остига олинмоқда. 2020 йилда мамлакатимиз тарихда илк бор Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга 2021–2023 йилларга аъзо этиб сайланди⁹. Бу эса инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан, ички ишлар органлари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ равишда такомиллаштириш борасида ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

ИИБ тизимида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотлар доирасида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқ ва маърузаларида ёш авлод масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “Бизнинг мақсадимиз – Янги Ўзбекистон ёшларини дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр баркамол шахслар сифатида вояга етказиш”¹⁰ деб таъкидлайди. Ушбу фикр давлат органлари, жумладан, ички ишлар органлари фаолиятида ҳам вояга етмаганларнинг манфаатлари устувор бўлиши лозимлигини аңлатади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида вояга етмаганлар билан ишлаш жараёни инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият

⁷ “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси. <https://lex.uz/docs/2595913>

⁸ “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги конвенция. <https://lex.uz/docs/2686386>

⁹ Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолигининг тарихий аҳамияти. <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/ozbekistonning-bmt-inson-huquqlari-boyicha-kengashiga-azoligining-tarixiy-ahamiyati>

¹⁰ Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Туркменистонга расмий ташрифи доирасида Маҳтумқули номидаги Туркменистон давлат университетида ташрифидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/5635>

касб этади. Чунки айнан ушбу тизим фаолиятида боланинг шахсий эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва психик ҳолатига бевосита таъсир этувчи чора-тадбирлар амалга оширилади.

ИИБ тизимида вояга етмаганлар билан ишлаш жараёнида ушбу конституциявий нормалар бевосита қўлланилиши лозим. Жумладан, профилактик ҳисобга олиш, маъмурий иш юритиш, суриштирув ва тергов жараёнларида боланинг ёши, психик ривожланиш даражаси ва ижтимоий ҳолати инобатга оlinиши халқаро ҳуқуқда умум эътироф этилган нормаларнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев “Қонун устуворлиги – адолатли жамиятнинг пойдеворидир” деб таъкидлаган. Ушбу ғоя ИИБ ходимларининг фаолиятида қонунга қатъий риоя қилиш, айниқса, вояга етмаганларга нисбатан ҳар қандай мажбурлов чораларини қўллашда ҳуқуқий асосларни аниқ белгилаш зарурлигини англатади. “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция¹¹га мувофиқ, вояга етмаган шахсни озодликдан маҳрум қилиш энг сўнгги чора сифатида ва энг қисқа муддатга қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, халқаро стандартларда вояга етмаганлар билан ишлашда реабилитация ва қайта ижтимоий мослашув устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада БМТнинг 1985 йилдаги “Пекин қоидалари” (Вояга етмаганлар одил судлови бўйича минимал стандарт қоидалар) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда жазо эмас, балки тарбия ва ислоҳ қилиш устувор бўлиши лозимлиги белгилаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсатига оид фармон ва қарорларида ҳам юқоридўа қайд этилган ёндашув ўз аксини топган бўлиб, ушбу ёндашув ИИБ тизимида вояга етмаганлар билан ишлашда инсонпарварлик ва психологик ёндашувни кучайтиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи фақат қонун нормалари билан чекланиб қолмасдан, ходимларнинг касбий ва ахлоқий тайёргарлиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар билан ишлайдиган ходимлар махсус психологик тайёргарликдан ўтиши лозим. Бу талаб БМТ ва ЮНЕСКО ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Миллий қонунчиликда ҳам ушбу талаблар инобатга оlinган бўлиб, ички ишлар органлари ходимларининг малакасини оширишда инсон ҳуқуқлари ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашда халқаро стандартлар талаблари бўйича ўқув курсларини ташкил қилинган бўлиб, унда ходимларнинг бу борадаги ҳуқуқий билим ва кўникмаларини шакллантириш инобатга оlinган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида вояга етмаганлар билан ишлашда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларини тўлиқ қўллаш нафақат ҳуқуқий мажбурият, балки жамиятнинг барқарор

¹¹“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси. <https://lex.uz/docs/2595913>

ривожланиши учун муҳим шарт ҳисобланади. Боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, унинг психик ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади ва соғлом авлод тарбиясига эришилади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган инсонпарвар, адолатли ва қонун устуворлигига асосланган давлат барпо этиш ғояларига тўлиқ мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2686000>
4. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2640479>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.06.2020 йил “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6012-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4872355>
6. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси. <https://lex.uz/docs/2595913>
7. “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги конвенция. <https://lex.uz/docs/2686386>
8. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Туркменистонга расмий ташрифи доирасида Маҳтумқули номидаги Туркменистон давлат университетида ташрифидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/5635>.